Хуррамов Эшпўхта — Чирокчи туманидаги «Паррандачилик» очик хиссадорлик жамиятининг бўлим бошлиғи, Қашқадарё вилояти
Ҳой Марианна Ивановна — Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки кредитлаш бош бошқармасининг экспорт-импорт операцияларини молиялаш бошқармаси бошлиғи
Шарипов Қутибжон — Косонсой туманидаги Е.Худойбердиев номи ширкат хўжалигининг пудратчиси, Наманган вилояти
Шарипов Шукрилло Очилович — Қизилтепа туманидаги «Машина-трактор парк» акциядорлик жамиятининг «Кейс» комбайни оператори, Навоий вилояти
Шарипова Манзура — Шофиркон туманидаги И.Мўминов номи ширкат

хўжалигининг пудратчиси, Бухоро вилояти
Шеров Собирбой Бегимбетович — Эллиқалъа туманидаги йўл хўжалиғи таъмирлаш-фоидаланш пудрат корхонаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси
Шуқуров Дониш Эсаевич — Самарқанд шаҳридаги «ЭЛ холдинг» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Самарқанд вилояти
Эгамбердиев Маҳмуджон Адаевич — Янгиқўрғон тумани йўл хўжалиғи таъмирлаш-фоидаланш пудрат корхонасининг асфальт ёткизувчи машинисти, Наманган вилояти
Эгамбердиева Ойгул Абдиевна — Ўзбекистон-Австрия-Бангладеш қўша корхонаси қошидаги «Юнивер» масъулият чекланган жамиятининг тикувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Эгамбердиева Маҳфират Ёвқочдиевна — Шеробод туманидаги «Турон-1» фермер хўжалиғи бошлиғи, Сурхондарё вилояти
Эргашев Абдулла Раҳимович — Қиёрай туманидаги «Мой» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти
Эргашева Бувиқожира Рўзиёвна — Бувайда телекоммуникациялар боғламининг оператори, Фарғона вилояти
Эргашев Абдулхамид Ҳакимович — Поп туманидаги А.Худойберганов номи ширкат хўжалигининг механизатори, Наманган вилояти
Эркаев Ўткир Уроқович — Қарши шаҳридаги «Эркаев Ўткир» хусусий корхонаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти
Эсирганов Абдуқаҳор — Сайхунбод туманидаги «Холбойота» фермер хўжалиғи бошлиғи, Сирдарё вилояти
Эшаметов Ражаббой — Янгибозор туманидаги «Бобомурот-1» фермер хўжалиғи бошлиғи, Хоразм вилояти
Эшонқуллов Абдуқоюм Жаборович — Гулистон туманидаги «Файрат» фермер хўжалиғи бошлиғи, Сирдарё вилояти
Эшонқуллов Эшқўзи — Бекобод туманидаги «Машина-трактор парк» давлат акциядорлик жамиятининг «Кейс» комбайни оператори, Тошкент вилояти
Эшимов Баҳодир Саматович — Навоий конметаллургия комбинати Марказий кон бошқарма-

сига қарашли 2-гидрометаллургия заводи чилангарлар бригадаси бошлиғи, Навоий вилояти
Йўлдошев Пўлат Муҳаммадович — Ёғдўвон туманидаги «Дилфуза» фермер хўжалигининг бошлиғи, Бухоро вилояти
Юнусова Аминахон — Учқўрғон туманидаги «Нуробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти
Юнусова Робия Исмоиловна — Бухоро туманидаги яқка тартибда фаолият кўрсатувчи хунарманд-зардўз, Бухоро вилояти
Юсупов Исроил Курбонбоевич — «Янгиариқ сув қурилиш» очик акциядорлик жамиятининг дурадгори, Хоразм вилояти
Юсупова Кундуз Раисуллова — Мирзо Улугбек тумани ободонлаштириш бошқармасининг бўлим бошлиғи, Тошкент шаҳри
Янгибоев Махсуд Раҳимович — Урганч туманидаги «Дўрмон» ширкат хўжалигининг механизатори, Хоразм вилояти
Урозалиев Исламдин Тоштурбович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг майдаловчиси, Тошкент вилояти
Қаршибоев Сафар Қорақуллович — Бахмал туманидаги «Сафар» фермер хўжалигининг ишчиси, Жиззах вилояти
Қодиров Илхом Жаборович — Қорқулбозор туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Бухоро вилояти
Қурбонов Оқтябр Кўчорович — Шовот туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиғи бошқаруви раиси, Хоразм вилояти
Қўзиёев Маъмуржон Бойбуваевич — Ўзбекистон Қўзи оқизлар жамиятининг Ёзёвон ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси директори
Ғафуров Жаббор Қаҳҳорович — Бухоро йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармасининг экскаваторчиси, Бухоро вилояти
Ғулмонова Муҳаббат Шоалиевна — Қасби туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Қашқадарё вилояти
Ҳақбердиев Худойберди Эгамбердиевич — Каттақўрғон туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2004 йил 26 август.

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

онерлик бирлашмаси раиси Б.Жалолов иштирок этди.
Олий Мажлис «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.
Парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризминг молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунни маъқуллади ва уни жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.
Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлиси янги тахрирдаги «Фермер хўжалиғи тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда сессия эътиборига ҳавола этди.
Ушбу масала юзасидан Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси ўринбосари И.Ғафуров, Тошкент шаҳар Мирзо Улуг-

бек тумани ҳокими А.Мажи-дов, «Наманганкурлиш» трести бошқарувчиси Ш.Матмусоев, «Ўзгеобур-нефтгазказиччиқариш» акциядорлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари О.Муродов сўзга чиқди.
Олий Мажлис «Жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризминг молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунни маъқуллади ва уни жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.
Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлиси янги тахрирдаги «Фермер хўжалиғи тўғрисида»ги қонун лойиҳасини юзасидан Олий Мажлисининг Аграр, сув хўжалиғи масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси ўринбосари Б.Олимжоновнинг маъруза-

си билан бошланди.
Бувайда тумани ҳокими Б.Тўрақуллов, Наманган вилоятидаги «Осий» агрофир-маси бош директори Н.Қурбонбоев, Томди тумани ҳокими А.Назаров, Шаҳри-хон туманидаги А.Саримсо-ков номи ширкат хўжали-ғи бошқаруви раиси У.Бо-зорбоев, Хўжайли тумани деҳқон ва фермер хўжали-лари уюшмаси ваколатхона-си раиси Х.Шериев бу ҳужжат бўйича ўз фикрини билдирди.
Парламент янги тахрир-даги «Фермер хўжалиғи тўғрисида»ги қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.
«Давлат бюджетининг газначилиқ ижроси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов сессия эътиборига тақдим

этди. Мазкур ҳужжат муҳо-камасида Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қоплатишда жамғармаси директори Ў.Неъматов, «Фар-ғонанефттеххиммонтаж» масъулият чекланган жам-ият бошқаруви раиси Р.Жа-лилов, Урганч курилиш касб-хунар коллежи дирек-тори И.Бойқонов, академик дирекцияси директори У.Саиджонов, Оқдарё туманидаги Мирзо Улугбек но-ми 2-мактаб директори Ж.Исроилов сўзга чиқди.
Олий Мажлис «Давлат бюджетининг газначилиқ ижроси тўғрисида»ги қонун ва уни жорий этиш тўғри-сидаги қарорни қабул қил-ди.
Парламентнинг Қонунчи-лик ва суд-ҳуқуқ масалала-ри қўмитаси раиси Н.Исмо-илов «Ўзбекистон Респуб-

каси Олий Мажлиси Қонунчи-лик палатаси депутати-нинг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши деп-утатининг мақоми тўғриси-да»ги қонунлар лойиҳалари-ни биринчи ўқишда сессия-да кўриб чиқиш учун тақ-дим этди.
Қонунлар лойиҳалари му-ҳокамасида Наманган давлат университетини ректори Т.Ғайзуллаев, Эллиқалъа тумани ҳокими Н.Худойбер-ганов, Шаҳрихон шаҳрида-ги «Ривож» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳ-барлари К.Отахонов, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев, «Бухороё» очик турдаги ак-циядорлик жамияти бош-қаруви раиси М.Зайнев, Олий Мажлисининг Ижтимо-ий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умаро-ва иштирок этди. Депутат-лар ушбу қонунлар лойиҳа-ларини биринчи ўқишда маъқуллади.
Иккинчи чақирик Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 27 август кўни ўз ишини давом эттирди.

Ташқи ишлар Вазирлигида учрашув

24 август кўни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги С.Сафоев Корей Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Факултетида ва Мухтор элчиси Ким Сонг-Хваннинг дипломатик миссияси якунланган муносабати билан қабул қилди.
Бўлиб ўтган сўхбат чоғида икки томон-лама муносабатларга, хусусан, барқарор ри-вожланган сўбаси ва айниқса савдо-иқти-содий ҳамда молиявий — сармовий соҳа-лардаги эришилган ҳамкорлик даражасига юқори баҳо берилди.
Учрашувда Корей Республикаси дипло-матик ваколатхонасининг раҳбари Ким Сонг-Хван фаолияти даврида ўзбек-корейс ҳам-корлигида турли соҳаларда сезиларли фа-олиятга эришилгани таъкидланди.
Корей Республикаси элчисига икки дав-лат ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамла-шдаги самарали фаолияти учун Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов номидан миннат-дорлик билдирилди. Ўз навбатида элчи Ким Сонг-Хван Ўзбекистондаги дипломатик мис-сиясини амалга оширишда амалий ёрдам учун миннатдорлик изҳор этди.


Япониянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва Мухтор элчиси Акио Каватонинг дипло-матик миссияси якунланган муносабати билан жорий йилнинг 25 август кўни респуб-

лика Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилди.
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги С.Сафоев ва япон дипломати ўрта-сида бўлиб ўтган сўхбатда ўзбек-япон му-носабатларида эришилган ҳамкорлик дара-жасига юқори баҳо берилиб, томонлар уларни келгусида ҳам изчил ривожланти-риш борасида фикр алмашдилар.
Мустақилликка эришилган дастлабки да-қиқалардан мамлакатимиз Япония билан ас-рлар қаъридаги мавжуд азалий чуқур мада-ний ва савдо-иқтисодий ришталари асоси-да дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларни ри-вожлантиришга муҳим эътибор қаратди.
Япон дипломатик миссиясининг раҳбари Акио Каватонинг Тошкентдаги фаолияти дав-рида ўзбек-япон муносабатларида турли соҳа-ларда ривожланиш сўрватида сезиларли ўсишга эришилганлиги қониқли билан таъ-кидланди.
Ташқи ишлар вазирлиги С.Сафоев Япония элчисига икки давлат ўртасида турли соҳа-ларда алоқаларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов номидан миннатдорлик бил-дирди. Ўз навбатида Акио Кавато ўзбек томонига самарали ҳамкорлик учун миннат-дорлик изҳор этди.

«Жаҳон» АА.

«Даврни белгилаб берган Инсон»

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси академик Мурод Шарифхўжаев ва юридик фанлари доктори Фахри Раҳимовнинг Москвадаги “Труд” газетаси Китоблар уйи томонидан шу йил бошида чоп этилган “Человек, определивший эпоху” китобини “Даврни белгилаб берган Инсон” номи билан кўпнинг нусхада ўзбек тилида нашр этди.



Ўзбекистон истиқлолининг 13 йиллигига бағишланган, муаллифларнинг сўнги йилларда Россиянинг “Труд” газетасида чоп этилган мақолаларидан таркиб топган мазкур китобда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари илмий-публицистик тарзда ифода этилган.

Унда мустақил давлатимиз асосчиси Президент Ислам Каримовнинг сиёсий-назарий қарашлари, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг ўзига хос қирралари очиб берилган.

Китобнинг “Даврни белгилаб берган Инсон”, “Асрларга тенг йиллар”, “Бозор сари йўл”, “Хуқуқий давлат”, “Ижтимоий давлат”, “Фуқаролик жамияти сари” бўлимларида мамлакатимиз танлаган тараққиёт моделининг стратегияси, миллий давлатчиликнинг конституциявий асослари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг тадрижий йўли, аниқ мақсадга йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсат чуқур таҳлил этилган.

Шунингдек, китобда Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда юқалиб бораётган обрў-этибори, Юртбошимизнинг мамлакатимиз ва минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашдаги қатъиятига алоҳида эътибор қаратилган. Миллий истиқлол мафқурасининг шаклланиш жараёнлари ва босқичлари атрофлича ёритилган.

(ЎзА).

Германия билан ҳамкорлик

Халқ банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси шохобчалари Германиядаги халқаро жамғармалар фонди билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди.

Шу муносабат билан банкнинг «Боғишамол» ва «Сиб» бўлимларида ҳамкорликка бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Уларда Германия халқаро жамғармалар фонди, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Халқ банки вакиллари иштирок этди.

Ҳар иккала банк замонавий меъбел ва бошқа жиҳозлар билан таъминлангани, янги кредит йўналишларини очиш билан мижозларга янги шароитлар яратилганлигини меҳмонлар алоҳида таъкидлашди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизнинг йирик молиявий муассасаларидан бири бўлган Халқ банкнинг республикамиз иқтисодиётида алоҳида ўрни бор. Универсал банк мақомига эга ушбу жамоа фаолиятини ўз зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш билан бирга, кейинги пайтда мулкчиликнинг турли шаклидаги мижозларга молиявий хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйди. Айни чоғда Президентимиз фармонлари, Вазирлар Мақамасининг тизимга оид қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг ишончилигини ошириш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Натижада банкнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларининг ўсиши кўзга яққол ташланмоқда.

Масалан, банк капитал утган йилнинг 1 август ҳолатига кўра, 13,1 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг шу даврига келиб, бу кўрсаткич 15,9 миллиард сўмни ташкил қилди. Шу жумладан, унинг устас сармоёси 9,5 миллиард сўм миқдоридан шакллантирилди. Молиявий муассасанинг активлари ҳажми эса 69,1 миллиард сўмдан иборат бўлиб, таққосланган даврга нисбатан 4,5 миллиард сўмга ўсди. Актив маблағларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилганлиги боис улар фойда келтирмоқда. Хуусан, ресурслар 16,4 миллиард сўмлик қисқа муддатли давлат облигацияларини сотиб олишга, 4,2 миллиард сўм бошқа банклардаги депозитларга, 20,1 миллиард сўм кредитлар учун, 3,7 миллиард сўм эса қимматли қозғалар инвестициясига сарфланди.

Шунингдек, банкнинг ресурс базасини кенгайтириш борасида кўрилатган аниқ чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Мисол учун, жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 69,1 миллиард сўмни ташкил қилиб, бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан қарийб 5 миллиард сўм кўпдир. Унинг 47 фоизи аҳоли омонатлари, қолган қисми эса банк мижозлари ҳисобланган юридик ва хусусий тадбиркорларнинг бўш пул маблағлари ҳамда банкнинг ўз

ресурсларидан иборат. Айниқса, банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлашда омонатларнинг самараси катта бўлмоқда. Жумладан, “Наврўз айёми”, шунингдек, ҳукуматимиз томонидан 2004 йилнинг “Меҳр ва муруват йили” деб эълон қилиниши муносабати билан жорий этилган “Меҳр” мuddати, “Совға”, “Истиқлол” қисқа муддатли омонатларга фуқароларнинг қизиқиши ортиб бормоқда. Уларга қисқа фурсат мобайнида 2 миллиард сўмга яқин маблағ жалб этилди.

Натижада аҳоли депозитларининг банкдаги қолдиғи шу йил 1 август ҳолатига кўра, 44 миллиард сўмдан ортиқ миқдорни ташкил қилди. Хуусан, қорхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг қарийб 14,9 миллиард сўм миқдоридан иш ҳақларининг банк муассасалари орқали берилиши ҳамда уларнинг қисман омонатларга жалб этилиши ҳам омонатлар қолдиғининг ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Молиявий муассаса республикамиз қимматли қозғалар бозоридан ҳам фаол иштирок этмоқда. Мазкур жараённи янада ривожлантириш мақсадида кейинги пайтда ҳўжалик субъектларининг қимматли қозғаларига инвестицияларнинг йўналтирилиши жадаллаштирилди. Шу боис бу борада ҳам ўсиш кўзга ташланмоқда. Масалан, ўтган йили



Халқ банки:

БАРҚАРОРЛИК

1 августда банкнинг инвестиция портфели 401 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 3,7 миллиард сўмга етди.

Банк мамлакатимизда иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида улуш қўймоқда. Энг муҳими, мазкур соҳага йўналтирилаётган кредит маблағлари миқдори йилдан-йилга ошиб борапти. Биргина жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 20,1 миллиард сўм маблағ ажратилдики, бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан қарийб 7 миллиард сўмга кўпдир. Еки жами кредит қўйилмаларининг 39,9 фоизи, яъни 8 миллиард сўм шу мақсад учун берилди. Натижада кредит олиб, иқтисодиётини мустаҳкамлаб олаётган, турли сифатли, харидорлар эҳтиёжини қондирадиган, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган қорхоналар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Ажратилаётган кредит маблағлари ўз навбатида халқ ҳўжалиги-

нинг турли тармоқларига йўналтирилади. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида уларнинг 1,8 миллиард сўми саноатга, 8,1 миллиард сўми қишлоқ ҳўжалигига, 1,7 миллиард сўми қурилиш ва маиший хизматга, шунингдек, 8,5 миллиард сўми эса бош-

қолатдир. Халқ банки томонидан берилаётган кредитлар тури, мақсади бошқа молиявий муассасаларникидан ажралиб туради. Гап шундаки, бу ерда аҳолига уй-жой қуриш, сотиб олиш ва уйларни таъмирлаш кредитлари ҳам мавжуд бўлиб, шу мақсадда шу кунгача 1 миллиард сўм ажратилди. Шу билан бирга, уй жиҳозлари, енгил автомобиллар со-

ҳам йўлга қўйилмоқда. Хуусан, улардан бири — пластик карточаларнинг жорий этилишидир. Бу ҳам аҳолига қулайлик яратди, ҳам ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштирди. Ҳозиргача 4 мингга яқин мижоз ана шундай замонавий усулдан фойдаланиб, иш ҳақи ва бошқа тўловларни янги усулда олмақда. Пластик карточалар жорий этилганлиги боис Қорақалпоғистон Рес-

публикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Хоразм, Сирдарё вилоятлари марказларида ва Тошкент шаҳрида ҳисоб-китоб ишлари бирмунча такомиллашди. Ўтган давр мобайнида ана шундай замонавий усул



Молия муассасаларида

қа соҳаларни ривожлантиришга ажратилди.


Муҳими, банклараро молия бозоридан кредит қўйилмаларининг қолдиғи 4,2 миллиард сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичнинг ўзи молиявий муассасанинг давлат аҳамиятига эга бўлган йирик лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этишига ка-

олаётган талабаларга ажратилаётган кредитлар миқдори ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Мазкур мақсадда берилаётган кредитлар қолдиғи жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, 451 миллион сўмга етди.

Банкда замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган хизмат турлари

орқали жами 1,5 миллиард сўм миқдоридан операциялар амалга оширилди. Айни пайтда 93 та савдо шохобчасида терминаллар ўрнатилган бўлиб, улар ҳам мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

Аҳоли учун хорихда яратилган замонавий банк хизмати турларидан яна бири, биласиз,



O'ZSANOATQURILISHBANK

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонларини, ўз акционерлари ва мижозларини **МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 13 ЙИЛЛИГИ** билан табриклайди!

Умирхалқ байраминда барча оилаларга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик ва кўп-баракат тилаймиз!



O'zsanoatqurilishbank

Мустақиллик байрами арафасида республикамиз аҳолиси учун янги «Байрам», «Байрам - такдим этувчига» жамғарма омонатларини такдим қилмоқда.

Мазкур омонатларга пул маблағлари 2 ой мuddатга қабул қилинади ва ҳисобланган фоиз даромади, омонатчининг хоҳишига кўра, ҳар ойда олиниши мумкин. Омонатнинг энг кам миқдори — 50 минг сўм. Қўшимча бадаллар киритиш имконияти кўзда тутилган.

Даромад йиллик 40% ҳисобидан ҳисобланади. Банк омонатнинг сир тутилиши, ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилиши ва пул маблағларининг сезини биринчи талабингиз бўйича берилишини қафолатлайди.

Қўшимча маълумотларни куйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 120-45-17, 120-45-24, 133-34-45.



АТТ «Туронбанк»

Ўзбекистон фуқароларини **улус айём** — мамлакат Истиқлолининг 13 йиллиги муносабати билан қўплайди!

Ҳар биримиз ўз меҳнатимиз, эзгу савғи-ҳаракатларимиз билан улус неъмат — Мустақиллигимизни асраб-авайлашимиз ва Ватанимизни гўллаб-яшнашни йўлида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишимиз даркор. Сизга саломатлик, тотовулик ва омад тилаймиз!



қимматбахо буюмларни вақтинчалик сақлаш мақсадида махсус "Сезам" сейфларини ижарага бериш ҳисобланади. Айни пайтда 2,9 мингдан ортиқ киши ушбу хизмат туридан фойдаланмоқда. Эътиборлиси, мазкур хизматта фуқароларнинг қизиқиши тобора ортиб борапти. Жорий йилнинг март ойидан бошлаб, шунингдек, банкда миллий валютада "Тезкор" филиаллараро пул жўна-

ги ёрдам пуллари тарқатилди. Ана шундай тарзда берилган жами маблағлар 94,2 миллиард сўми ташкил қилди. Яна турли вазирлик ва идораларга 4,9 миллиард сўм миқдоридagi пенсиялар банк муассасалари томонидан ўз вақтида етказиб берилди.

Молиявий муассасада хориж валютаси билан ишлаш, омонатлар жорий этиш борасида ҳам муайян тажриба тўплан-

ди. Қолаверса, банк томонидан мамлакатимизга хориж сармоясини жалб қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундай маблағлар ёрдамида корхоналар замонавий дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати, харидорлиги ошириб, уларга бўлган талаб ҳам кўпаймоқда. Шу кунга

лаб чиқарилган мебеллар, зарур компьютер ва банкматлар билан жиҳозланди. Айни пайтда ушбу муассасаларда мижозларга жаҳон андозлари даражасида хизмат кўрсатилмоқда. Шартномага кўра, шу йил июнь ойида жамоага яна "Мерседес-Бенц" русумли автоташна базасида хизмат кўрсатувчи сайёр банк олиб келинди. У ҳозир жойларда молиявий муассасанинг мижозларига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Бундай қулайликдан фойдаланаётган мижозлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Банк кишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги мижозларига ҳам замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиб, уларнинг оғирини енгил қилаётир. Хусусан, ҳўкумат қарорига кўра, зарар кўриб ишлаётган ширкат ҳўжаликлари негизда вужудга келаётган фермерларга хизмат кўрсатиш мақсадида 39 та янги мини банк ташкил этилди. Бугунги кунда эса бундай молиявий шўбочаларнинг умумий сони 117 тага етди. Натижада фермерлар узоққа бормай, барча юмушларини мини банкларда амалга оширишмоқдалар.

Умуман, универсал банк мақомига эга бўлган Халқ банки кенг кўламли ишларни амалга ошириб, мижозларга кўрсатётган хизмат сифатини ошириб, уни тобора такомиллаштириб бормоқда. Буни унинг мижозлари сафи тобора кўпайиб, ўз навбатида, уларнинг иқтисодиёти мустаҳкамланиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиздаги йирик молиявий муассасалардан бири ҳисобланган халқ банкининг республикамиз иқтисодиёти ривожига қўшаётган улуши тобора ортиб бора-япти.

Банкнинг матбуот маркази.

Йўлидан

тиш хизмати ҳам амалиётга татбиқ этилди. Бу ҳам мижозларга катта қулайлик туғдирмоқда.

Шу билан бирга, банк аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш бўйича кўрсатилаётган хизмат сифатини ҳам яхшилаб, уни тобора такомиллаштириб бормоқда. Натижада одамлар кўпроқ ушбу масалада мазкур банкка мурожаат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мижозлар уй-жой, электр қуввати ва бошқа хизматлардан фойдаланганлик учун банк филиалларига 25,4 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда тўловлар топширгани бунинг исботидир.

Президентимиз ва ҳўкуматимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган фармонлари ва қарорлари ижросини бажаришда ҳам бу жамоа фаол иштирок этиб келмоқда. Масалан, ўтган даврда кам таъминланган оилаларга 4,1 миллиард сўм, 18 ёшгача фарзанди бўлган оилаларга 5,1 миллиард сўм миқдорда нафақалар, икки ёшгача бола тарбияси билан банд бўлган оналарга эса 38,7 миллиард сўм ҳажмида-

ган. Чунончи, мавжуд хориж валютасидаги омонатлар қолдиғи шу йилнинг 1 августи ҳолатига кўра, 1945 минг АҚШ долларига етказилди. Шунингдек, филиалларда фаолият кўрсатаётган 230 та валюта айирбошлаш шўбочаси орқали фуқаролардан 4,8 миллион АҚШ доллари, 56,5 минг евро харид қилиниб, мижозларга 18,7 миллион АҚШ доллари, 34 минг евро сотилди.

Банкда "SWIFT" "WESTERN UNION" халқаро тўлов тизимлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар ҳам жадаллаштирилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида "WESTERN UNION" халқаро тўлов операцияларини амалга оширадиган 25 шўбоча ишга туширилгач, уларнинг сони 60 тага етди. Мазкур хизмат туридан ҳозиргача 28 минг фуқаро фойдаланди. "SWIFT" халқаро тўлов тизими бўйича эса юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини қабул қилиш ва ўтказиб бериш борасидаги ишлар такомиллаштирилиб, янги "SWIFT-Net" тизимига ўтиш жараёни якунига етказилди.



қадар 28,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi 145 та импорт шартномаси рўйхатга олинди, унинг 5 миллион АҚШ доллари республика Валюта биржасининг савдо сессияларида конвертация қилингани шундан далolat беради.

Банкнинг жаҳондаги нуфузли молиявий институтлар билан ҳамкорлиги ҳам ривожланиб, у ўз самарасини бермоқда. Масалан, ўтган йили Германиянинг Халқаро жамғарма Кассалари фонди билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланганди. Мазкур ҳўжатта мувофиқ, декабрь ойида банкнинг Тошкент шаҳар амалиёт бўлими, жорий йилнинг 23 августда Самарқанд вилоятидаги Сиеб ва Боғишамол филиаллари қайта таъмирланиб, Германияда иш-



«Замин» банки

юртдошларимизни буюк миллий байрамимиз –

Мустақилликнинг 13 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади!

Мустақил Ўзбекистон давлатининг янада гуллаб-яшнашига, тараққий топишига йўналтирилган саяй-ҳаракатингиз, режаларингиз рўёбга чиқишида барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар тилайди.


Мустақиллик байрами арафасида сизлар учун жорий йилнинг 31 августига қадар янги "Шўжа" омонати оғилди. Маблагингизни 45 кун муддатга ёзганда 38 фоизга омонатга қўйишга шошилдинг.

«Замин» банки – она-заминимиз тухфаси!

«Замин» банки кўйидаги бўш ўринларга танлов асосида ишга таклиф этади:

бухгалтер, аудиторлар, валюта операциялари бўйича мутахассислар, кассирлар, қимматли қозғалар бўйича мутахассислар.

Телефонлар: 54-87-11, 55-82-59.



ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК

ЖАМОАСИ

серқуёш Ўзбекистон халқини республикамиз Мустақиллигининг

13 йиллик

айёми билан чин дилдан муборакбод этади!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч, севимли Ватанимизнинг порлоқ келажagini яратишдек бунёдкорлик ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.



Азиз юртдошлар ва Ўзбекистон Республикасининг қадрли меҳмонлари!

«YUNUSOBOD SAVDO MAJMUASI»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллик байрами билан муборакбод этади ва барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ҳамда ишларингиз равнақ топишида катта муваффақиятлар тилайди!

Ушбу байрамимиз ҳамиша халқимизнинг энг улуғ, энг севимли байрами бўлиб қолаверсин!

«Yunusobod savdo majmuasi» маъмурияти.

Хўрматли ҳамшаҳарлар ва шаҳримизнинг азиз меҳмонлари!


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллик байрами муносабати билан ҳамда «Yunusobod savdo majmuasi» ҳудудида тадбиркорлар ва харидорларга қулайлик яратиш мақсадида озиқ-овқат ва поозик-овқат маҳсулотлари, бошқа турдаги халқ истеъмолчи молларининг чакана, майда улгуржи ва улгуржи савдосига мўлжалланган замонавий шаклдаги савдо дўконлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Агар сиз озиқ-овқат ва поозик-овқат маҳсулотларини ва бошқа турдаги халқ истеъмолчи молларини арзон нархларда харид қилишни истасангиз, «Yunusobod savdo majmuasi»га лутфан таклиф этамиз.



Манзилимиз: Тошкент ш., Юнусобод тумани, Ж.Обидова к., 260 «А»-уй (Мўлжал: Тошкент педиатрия тиббиёт институти).

«Универсиада — 2004»



Ҳадемай, мамлакатимизнинг олий ўқув юртиларида таҳсил олиш билан бирга, спортни жону дилидан севиб, унинг маълум бир тури билан ошно тутинган талабалар Самарқанд вилоятига ташриф буюрадилар. Чунки кўҳна шаҳарда 4 сентябрь куни «Универсиада-2004» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлади ва бу беллашув талабаларнинг маҳоратини синовдан ўтказди. Қадимий шаҳар юртимиз олий ўқув юртиларининг 2800 нафар спортчиларини ўз бағрига олади. Улар спортнинг 12 тури бўйича беллашадилар.


САМАРҚАНД — МУСОБАҚАЛАРГА ШАЙ

Хозирги кунда Ўзбекистонда 60 дан ортиқ олий ўқув юрти бўлиб, уларда 158 минг нафар талаба таҳсил олади. Мусобақанинг дастлабки босқичида деярли барча талабалар иштирок этишди. Универсиада-нинг иккинчи босқичида эса 10 мингдан ортиқ ёш спортчилар ўз кучларини синаб кўришди ва энг омадли голибларгина республика финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Самарқанд шаҳрида бундай нуфузли мусобақани муносиб ўтказиш ва меҳмонларни қўлиб олишга яхши тайёргарлик кўрилди. Шаҳар кийфаси таниб бўлмас даражада узғариб кетди. Кўҳна шаҳарнинг донгини таратган қадимий обидалар қаторига янги барпо этилган бир қатор спорт иншоотлари қўшилди. Замонавий спорт комплекслари ва майдонлари, стадионларига нафақат юрдошларимиз, балки хориждилар ҳам ҳавас қилса арзийди.

замонавий техникалар билан таъминланган. Универсиада-нинг бош майдони қурилиши икки сменада олиб борилди ва бунинг учун 9,6 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бир йил ичида курашчилар, боксчилар, енгил атлетикачилар, волейболчилар, баскетболчиларнинг ўзaro беллашувлари учун барча қўлайликларга эга комплекс қад кўтарди. Айнан шу майдонда «Универсиада-2004»нинг машъаласи ёқилади. Мусобақанинг очилиш маросимида саккиз минг нафар самарқандлик ёшлар, бир қатор бадиий жамоалар иштирок этади.

сўзини давом эттиради Шухрат Давронов. — Умуман олганда, вилоят бўйича мусобақага йиғирмадан ортиқ иншоот шай қилиб қўйилган. Ўрни келганда шуни қайд этиш лозимки, уларнинг айримлари оддийгина таъмирланмай тубдан реконструкция қилинди. Бундай таъмирлаш биринчи навбатда шаҳардаги «Дельфин» сув бассейнига тегишли. Агар у илгари 12Х12 ўлчамдаги

мусобақа иштирокчиларини қўлиб олишга шай. Албатта, ташкилий кўмита мусобақа иштирокчиларини бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш масаласида ҳам алоҳида тайёргарлик кўрди. Универсиада қатнашчиларига тегишли транспорт воситалари ажратилди. Айни пайтда ана шу мақсад учун, маҳаллий транспортчилар томонидан қўшимча равишда Самарқандда ишлаб чиқарилган бир неча автобус ҳам ажратилди. Спортчиларни тегишли жойларга олиб боришнинг аниқ йўналиши белгилаб чиқилди. Мусобақанинг бош рамзи — Универсиада машъаласи қайси йўналиш бўйича етказиб борилиши ҳам аниқланган. Машъала 3 сентябрь куни эрталаб Паркент туманида жойлашган «Физика Кўёш» институтида ёқилади ва мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти кўмағида 4 сентябрда Самарқандга етказилади. Машъала билан бир вақтда Самарқандга республикамизнинг турли чеккаларидан универсиада иштирокчилари олиб келинади.



оддий сув ҳавзаси бўлса, эндиликда сузувчилар 25Х50 ўлчамдаги бассейнда медаллар учун беллашадилар. Сузиш мусобақасини бир вақтнинг ўзида 2000 нафар киши томоша қилиш имконига эга. Бундан ташқари, Самарқанд давлат университети, Тойлоқ ҳамда Жомбой туманларидаги академик лицейлар биноларини реконструкция қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, Самарқанд шаҳри ва вилояти катта

Бир сўз билан айтганда, Самарқандда «Универсиада-2004» спорт мусобақасига старт берилиши учун барча нарса тайёр. Бу, мусобақа кўтаринки руҳда ўтишга ёрдам беради.

Андрей КИМ, Самарқанд-Тошкент. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Компьютер технологиялари академик лицей биноси, аниқроғи, турли спорт мусобақалари ўтказиладиган майдонлар мусобақанинг асосий кўриқига айланади. — Ушбу иншоотнинг қурилиши ўтган йилнинг август ойида бошланган эди, — дейди Самарқанд вилояти бош меймори Шухрат Давронов. — Мана, орадан бир йил ўтиб, ушбу лицей ва 15000 томошабинга мўлжалланган стадион, урта спорт зали бунёд этилди. Умуман олганда, бу каби иншоотлар энг

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Давлат ташкилотлари вакиллари ва ишбилармонлар диққатига!
Жорий йилнинг 24 АВГУСТИДАН 2 СЕНТЯБРИГАЧА
«Ўзэкспомарказ»нинг 1-павильонида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» кўргазма-ярмаркаси фойдали олиб боради.

Республикамизнинг барча минтақаларидаги турли мулкчилик шаклларидаги корхона, фирма ва компаниялар томонидан кўргазма майдонларида экспонат мўлжалланган маҳсулот, халқ истегъмоли моллари, шу жумладан, маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилади.

Кўргазма жараёнида сиз ўзингизни қизиқтирган маҳсулотни сотиб олиш ва етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш ва соҳалараро кооперация доирасида фойдали алоқалар ўрнатиш бўйича катта имкониятга эга бўласиз.

Кўргазма-ярмарка иш тартиби — соат 10.00 дан 18.00 гача.
Манзил: 700084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 107-уй (Мўлжал: метронинг «Бодомзор» бекати).
Кўргазмага марҳамат!

ТИББИЁТ-САНИТАРИЯ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ 1-сонли Марказий поликлиника
қўйидаги тиббий хизматларни кўрсатади:

- ҳар хил касалликлар бўйича мутахассисларнинг ўйдоғи кўриги;
- ЭКГ ва УПТ муолажаларини ўйдоғи амалга ошириш;
- клиник-биохимик таҳлилларни ўйдоғи бажариш;
- физиотерапевтик муолажалар;
- 061 телефони бўйича тез тиббий ёрдам.

Тел.: 136-00-39, 133-19-03.
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, С.Азимов кўчаси, 67-уй.

МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН
Katris ФИРМАСИ МЕБЕЛЬ

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССАСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Хошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатда олинган.
Буюрма 1 — 968, 22129 нусхада босилган.
ҳақми — 2 тўб. Об'ект узулига босилган.
Қотоз битими А-2
Газета ИВМ компьютеризация теривиди ва операторлар Жамшид Топчи ва Бахадир Файез томонидан саҳифаланган.
Таҳриратда ҳақми 5 қондан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
П-Тюворат материал

«Шарқ» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. УЗА якуни — 22.40 Тоширилди — 1 3456

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Муасхон — И. Турсунов.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ АМАЛИЙ ПСИХОЛОГЛАР ТАЙЁРЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

қўйидаги ва сиртки бўлимларга қўйидаги иттихосликлар бўйича тилловчиларни қабул қилиади:

- халқ таълими тизими учун амалий психолог;
- ишлаб чиқариш соҳаси учун амалий психолог;
- тиббийёт муассасалари учун амалий психолог;
- хуқук-тартибот органлари учун амалий психолог;
- оила учун амалий психолог

ҳамда сиртки бўлимда:

- математик маълумотиға эға бўлганлар учун физика ўқитувчиси;
- математика маълумотиға эға бўлганлар учун информатика ўқитувчиси;
- биология маълумотиға эға бўлганлар учун география ўқитувчиси;
- география маълумотиға эға бўлганлар учун биология ўқитувчиси;
- кимё маълумотиға эға бўлганлар учун биология ўқитувчиси;
- биология маълумотиға эға бўлганлар учун кимё ўқитувчиси;
- мактабгача ва бошланғич таълим маълумотиға эға бўлганлар учун дефектолог.

Юридик шахслар ишлаб чиқариш корхонасининг, идора ёки корпорациянинг, акционер жамоасининг вакиллари уч томонлама шартнома асосида банк орқали, жисмоний шахслар — икки томонлама шартнома асосида нақд пул билан факультетнинг ҳисоб рақамиға тўловлари тўланади.

Кундузги бўлимда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш муддати — 9 ой, сиртки бўлимда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда — 15 ой. Тинловчилар ётоқхона билан таъминланади. Давлат аттестацияси натижалари асосида мутахассис дипломи берилади. Хужжатлар 2004 йил 25 августдан 20 сентябргача қабул қилинади. Ўқиш 2004 йил 1 октябрдан бошланади.

Мазкур факультетда ўқиш истагини билдирганлар университетнинг 3-биноси, 3-21 хонасига қўйидаги хужжатларни топширадилар:

- олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нусхаси;
- диплом кўчирмасининг баҳалар билан нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- паспорт ксерокс нусхаси;
- шахсий варақа;
- 4 дана фотосурат (3x4);
- 086-шаклидаги тиббий маълумотнома.

Манзил: 700070, Тошкент шаҳри, Братислава кўчаси, 3 «А»-уй. Телефонлар: (3712) 55-49-31, 55-50-96. Мўлжал: Бобур боғи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қўйидаги навозимларга тиллов эълон қилиади:

Кафедра мудирлари: ижтимоий-сиёсий фанлар, профессор (1), эстрада чолғу ижрочилиги, доцент (1), умумий фортепиано, доцент (1), музика тарихи, профессор (1), хор дирижёрлиги, профессор (1).

Профессорлар: музика тарихи (1), хор дирижёрлиги (1), махсус фортепиано профессор (1).

Доцентлар: музика тарихи (1), аънавий ижрочилик (3.5), музикаий шарқшунослик (1).

Катта ўқитувчилар: музика тарихи (2), аънавий ижрочилик (0.5), торли чолғулар (1), фортепиано (1), дамли ва зарбли чолғулар (1), умумий фортепиано (2), хор дирижёрлиги (1), эстрада хонандалиги (1).

Ўқитувчилар: ижтимоий-сиёсий фанлар (1), музика тарихи (1), оркестр дирижёрлиги (1), музикаий педагогика (1), аънавий ижрочилик (1), музикаий овоз режиссёрлиги (2).

Тиллов муддати — эълон топ этилган кундан бошлаб бир ой.

Манзил: 700027, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 1-уй. Кадрлар бўлими телефони: 144-94-51.

BUSINESS SOLUTIONS RECRUITMENT SERVICES

Business Solutions Company provides recruiting services and announces following vacancies:

- Lawyer
- Marketing specialist
- Marketing manager
- Financial analyst
- Chief-accountant
- Purchasing specialist
- HR Specialist
- IT specialist
- Programmer
- Office-manager
- Sales agent
- Security guard
- Engineer
- Driver

Interested candidates should submit their CV or job application form available at our office:

Hotel Uzbekistan, 15 floor, rooms 1513, 1516
Tel: 1205713, 1207777(ext. 2032)
e-mail: biznessolutions@tk.uz, jobs@biznessolutions.com, web-site: www.biznessolutions.com

Companies interested in recruiting personnel are welcome to contact us on the above address.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.

Телефон 134-48-11

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Машариф Юсуповга падари бузруквори

ЮСУФЖОН отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Клиник ва экспериментал тиббий илмий-тектириш институти директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арабои, академик

Турсинбой ЕПЧАНОВнинг
вафот этганлиги маълум қилиб, марҳумнинг оида аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси жамоаси жамғарманнинг ижрочи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Уткир Ярмаҳамедовга фарзанди

Тўлқинжоннинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси Урта Чирчиқ тумани прокурори Урумбой Миралимовга волидан муҳтарамаси

ТОЗАГУЛ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.